

Инсонпарварлик тамойилларига асосланган маънавий дипломатия

БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган юбилей анжумани — 80-сессияси умумсиёсий мунозараларида Ўзбекистон Президентининг чиқиши нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа ва жаҳон миқёсида долзарб аҳамиятга эга воқеалик сифатида халқаро ҳамжамият томонидан қизғин кутиб олинди.

Мазкур тарихий нутқда маҳаллий, минтақавий ва глобал даражадаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, унда замонавий дунёдаги глобал таҳдидлар, хавфсизликка доир масалалар, Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси, Марказий Осиё минтақасидаги барқарор тараққиёт, турли соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда глобал муаммоларга муносабат билдирилиб, уларнинг ечимига онд ўндан ортиқ таклиф ва ташаббус илгари сурилди.

Президентимиз БМТ минбаридан буюк аجدодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросини алоҳида таъкидлаб, яқин вақтда БМТда махсус тақдирот ўтказиш таклифини билдирди.

Бу ташаббус нафақат тарихий меросимизнинг юксак қадрланиши, балки жаҳон ҳамжамиятига исломнинг ҳақиқий моҳияти — маърифат, бағрикенглик ва



Президентимиз БМТ минбаридан буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросини алоҳида таъкидлаб, яқин вақтда БМТда махсус тақдирот ўтказиш таклифини билдирди.

инсонпарварлик ғояларини етказиш йўлида муҳим қадамдир.

Юртимизда сўнгги йилларда аждодларимиз илмий меросини ўрганиш соҳасида улкан ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 23 июндаги қарорига

биноан Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказига тамал тоши қўйилганди. Бугунги кунда бу муҳташам иншоотда бунёдкорлик ишлари яқиний босқичга кирди. Маҳабатли бино қадимги меъморий обидаларимиз қиёфасини ўзида акс эттиради.

Миллий гумбаз ва пештоқлар, нақшларнинг ажойиб уйғунлиги унга алоҳида кўрк бағишлаган. Мажмуанинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада 65 метрли гумбаз қурилган.

Давоми 3-бетда

Ишонч ва ҳамжиҳатлик — глобал тараққиёт асоси

БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Президентимиз билдирган фикрлар ва илгари сурган ташаббуслар мамлакатимиз ташқи сиёсати очиклик, тинчликсеварлик ва ҳамкорликка қаратилганини яна бир бор яққол кўрсатди.

Муносабат

Нутқда таъкидланганидек, ҳозирги мураккаб геосиёсий вазиятда халқаро ҳуқуқни, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ишончни кучайтириш глобал барқарорликнинг асосий омилidir. Бугун дунё миқёсида хавфсизлик ва тараққиётни таъминлаш учун зиддиятлардан кўра умумий манфаатларни устувор қўйиш зарур.

Сўзда ва амалда бирлик

Ўзбекистон сўнгги йилларда глобал масъулиятни зиммасига олиш ва жаҳон миқёсидаги муаммоларга аниқ ечимлар таклиф қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намоён эта олди.

“Бундан 8 йил муқаддам биз ушбу юксак минбардан туриб, Марказий Осиёни тинчлик, яхши қўшничилик ва шериклик

мақонига айлантиришга қатъий қарор қилганимизни эълон қилган эдик.

Бугун чуқур мамнуният билан таъкидлаш мумкин: биз бу стратегик мақсадга эришдик. Ёлпқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди”, деди Президентимиз.

Бу жараёнда Ўзбекистон мулоқот ташаббускори, бирлаштирувчи куч, тинчлик ва тараққиётнинг таянч нуқтаси сифатида етакчи ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар, жумладан, Бутунжаҳон проффессонал таълим саммитини ўтказиш, Афғонистон орқали транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш, терроризмга қарши минтақавий марказни ташкил этиш, ёшлар учун глобал ҳаракат платформасини яратиш каби қатор халқаро доирадаги таклифлар Марказий Осиё ва жаҳон ҳамжамияти учун долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давоми 2-бетда

Бугуннинг гапи умумбашарий мақсадлар йўлида

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясида глобал муаммолар таҳлили, ҳар бир муаммо ечими бўйича илгари сурган таклиф ва ташаббуслари диққатимни тортди. Айниқса, мамлакатимиздаги янгиланишлар, юртдошларимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодий барқарорликка эришиш йўлидаги ислохотлар самараси ҳақидаги сўзлари юрагимни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Гап халқаро жамоатчиликнинг эътибори ёки эътирофида эмас, балки янги Ўзбекистонимиздаги ислохотлар негизда инсон қадр ва фаровонлигини ошириш, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш мақсади мужассамлиги, тарихан жуда қисқа муддатда катта натижаларга эришилганида. Камбағалликни қисқартириш масаласини олайлик: сўнгги йилларда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизга қисқаргани “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида қилинаётган ишларнинг натижасидан далolatдир. Шу фактнинг ўзиёқ давлатнинг сиёсати, инсон

ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати, эҳтиёжларига муносабати ҳақида сўзлайди. Таълим ва илм-фан соҳасида ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Масалан, кейинги йилларда мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга етди.

Давлатимиз раҳбарининг юртдошларимиз, халқаро экспертларнинг ҳақли эътирофига сазовор бўлаётган ташаббуслари орасида Бутунжаҳон проффессонал таълим саммитини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи алоҳида аҳамиятга эга.

Давоми 5-бетда

Янгича ёндашувлар

Замонавий статистика модели

Кам харажат ва кутилган самара

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш нафақат демографик ҳолатни таҳлил қилиш, балки иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, ижтимоий хизматлар билан таъминлаш, урбанизация жараёнини бошқариш, меҳнат бозори мувозанатини сақлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий химоя тизимларини самарали ташкил этиш учун зарур пойдевор вазифасини бажаради.

Жумладан, ижтимоий инфратузилмани ҳудудлар бўйича мақбуллаштириш, таълим муассасалари учун ўқувчилар сонини прогноз қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш

учун аҳолининг заиф қатламларини аниқлашда айнан рўйхатга олиш натижасида шаклланган ишончли маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, аҳолининг статистик портретини яратиш орқали халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, ҳудудлар кесимида замонавий инфратузилма ташкил этишни режалаштириш ҳамда инсон капиталини тўғри баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Хусусан, БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашда аҳоли бўйича аниқ рақамлар талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёни давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашдаги ҳал қилувчи воситадир.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барча шахслар тўғрисидаги маълумотларни махсус тайёрланган илмий-статистик усуллар асосида йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнидир.

Давоми 4-бетда

Ифтихор

Нью-Йорк учрашувлари

Сирожиiddин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Нью-Йорк кўчалари байроқзори байроқзор,
Ўзбекистон байроқдор, Ўзбекистон байроқдор.

Нью-Йорк — Янги шаҳар, бу кўхна очундадир,
Бирлашган Миллатларнинг Ташкилоти шундадир.

Дипломатлар тилида бутун дунё пойтахти,
Озодлик обидасин шунда эрур жой-тахти.

Нью-Йорк кўчалари дилбандларингдай дилдор,
Кета-кетгунча дийдор, кета кетгунча дийдор.

Ҳилпираган ҳар байроқ — жимирлаган кўнглимдир,
Нью-Йорк кўчалари кўнглимдай лиммо-лимдир.

Гарвардларни забт этган азиз ўғил-қизларинг —
Сенинг ёруғ юзларинг, сенинг қолар изларинг.

Дунёда ҳеч бормикан бундай шодон чехралар,
Бундай шодон чехралар, бундай хандон чехралар.

Толеи баланд элга бул менинг инъомларим,
Осмонўпар уйлардай юксалиб илҳомларим —

Давру давронингизга шеър битиб қават-қават —
Мен ҳавас қилгум фақат, мен ҳавас қилгум фақат.

Қанчалар жалб этмасин Америкадай диёр,
Ўзбекистон, она юрт, сизга доим интизор.

Эрта-индин бу ерда кўп нуфузли, бир талай
Оламшумул битимлар имзолангай пайдар-пай.

Ёвлашувмас, бу дунё дўстлашув, ёрлашувдир,
Дунёнинг ободлиги асли дийдорлашувдир.

Бир гапни билиб айтган буюк бобокалонлар,
Боболардан бизларга қолмиш бобо каломлар.

Яъни элу юртларни гуфтордан айирмасин,
Энг аввало дийдордан, дийдордан айирмасин!

Муҳтарам Дональд Трамп, жаноби олийлари,
Теграсида корчаллон магнату волийлари —

Айтдики: Ўзбекистон қутловларга сазовор,
Мен шараф деб билгайман, Ўзбекистон байроқдор.

Президент бу гапни такрор ва такрор айтди,
Чин дилдан, чин юракдан айлаб ифтихор айтди.

Бу хабар шов-шув бўлди Техасдан Термизгача,
Жар солди “Си-эн-эн”у “Нью-Йорк Таймс”гача.

Битсин рўйи заминда ёвузлик ва ёмонлик,
Тинчлик барқарор бўлсин, бўлсин сулҳу омонлик.

Бутун олам аҳлининг бедор фикру ёдидир —
Фаластин фарёди бу, Фаластин фарёдидир.

Қасри бунёдинг балки минг йиллик, миллён йиллик,
Энг олий инсонийлик — инсонга инсонийлик.

Битсин уруш-жанжаллар, кетсин буткул низолар,
Барча соҳибдавлатлар чексин шунга имзолар.

Миллатлар минбаридан оламга бўлди ошкор,
Ўзбекистон фидокор, Ўзбекистон фидокор.

Гул эксин, боғ яратсин ҳар инсон, ҳар идора,
Авж олсин борди-келди, мурсою мадора.

Юз миллён кўчат қадаб, боғ қилмиш бир миришкор,
Ўзбекистон тадбиркор, Ўзбекистон тадбиркор.

Бу интернет-интеллект замонидир бир қадар,
Боболар туш-хаёли ўнг келмоғи муқаррар.

Осмонингда учсалар “Боинг”лар қатор-қатор,
Мен айтгум: Ўзбекистон барқарордир, барқарор!

Ярқираган “Боинг”дан бир тонг сахар, ҳеч гапмас,
Беруний бобо ўзи тушиб келса ажабмас.

Бу парвозлар бардавом — узилмас қаторлари,
Туганмасдир, туганмас Нью-Йорк дийдорлари.

Шаъну шарафларингга ўзингдирсан шахсвор,
Ўзбекистон устувордир, Ўзбекистон устувор!

ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Муносабат



Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси

Бошланиши 1-бетда

Қўшнинг тинч — сен тинч

Турли минтақаларда давом этаётган қуролиш можаролар глобал тинчлик ва осойишталикка путур етказмоқда. Бундай низо ва тўқнашувлар бегуноҳ инсонларнинг ҳаётдан эрта қўз юмишига олиб келяпти. Инвестиция оқими, товар ва хизматлар айланишига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги бўйича янги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Айнан шу сабабли Президентимиз Афғонистон, Украина ва Ғазо муаммоларида халқаро ҳамкорлиқни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Бунда Афғонистон билан ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Қўшни мамлакатни ёрдамсиз қолдирмаслик, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмак бериш муҳимлиги ургу берилди. Бу эса минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигига хизмат қилади.

Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун кенг имконият эшигини очади.

Ўзбекистон инсонпарварлик ёрдамларини жўнатиш, энергетика тизимини барпо этишга кўмаклашиш, савдо ҳажминини кўпайтиришдан тортиб қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишгача бўлган иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш орқали ўзи танлаган йўлни амалда намоён этмоқда.

Мамлакатимиз муҳим халқаро платформага айланади

Бугун дунёга катта хавф солаётган глобал хатарлардан яна бири терроризмдир. Нутқда ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда тузилган Реабилитация ва қайта интеграция масалалари бўйича минтақавий кенгашии Халқаро компетенциялар марказига айлантириш таклифи этилди. Ушбу тузилма муаммолни ҳудудлардан қайтарилган шахсларни тинч ҳаётга мослаштириш бўйича тажриба алмашиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз Тошкент шаҳрида Терроризмга қарши кураш бошқармасининг минтақавий офисини очиш учун зарур шароит яратишга Ўзбекистон тайёр эканини билдирди.

Экологик ташаббуслар — барқарор ривожланиш асоси

Қурғоқчилик, сув танқислиги каби экологик муаммолар ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишига хавф туғдиради. Орол фожиасига эътибор қаратган Президентимиз фақат давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, инновацион технологияларни қўллаш орқали экологик мувозанатни сақлаб қолиш мумкинлигини таъкидлади.

Бунда илгари сурилган экологик ташаббуслар глобал таҳдидларни камайтириш, муаммоларга ҳамжиҳатликда ечим топиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкентда суви тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш таклифи муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, иқлим ўзгариши ва экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича Глобал пакт қабул қилиш таклифини ҳам кўпчилик қизгин кутиб олди.

Ўзбекистон экологик барқарорлиқни таъминлаш мақсадида чиқиндиларни қайта ишлаш ва сувдан самарали фойдаланиш, ҳудудларни рекултивация қилиш бўйича кенг қўламли ишларни бажармоқда. Бу жараёнда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш даври талаби бўлиб қоляпти.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий экологик стандартларни жорий этиш, техноген чиқиндиларни камайтириш йўлга қўйилган. Бу бизга глобал дунёда рақобатбардор бўлиш имконини беради. Комбинат ISO 14001 “Экологик менежмент тизими” халқаро стандарти сертификатига эга.

Инсон қадрини юксалтириш — устувор вазифа

Президентимиз камбағалликни камайтириш, таълим ва соғлиқни сақлашни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш орқали иқтисодий ўсишнинг инсонпарвар йўналишини кўрсатиб берди.

Бу йўналишдаги давлат сиёсати ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, иш ўринлари очиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга замин ҳозирлайди.

Бош Ассамблея сессиясида давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган, айниқса, қишлоқ жойлардаги оилаларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, муносиб меҳнат шaroити яратиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириш таклифи минтақамиздаги хотин-қизларнинг ижтимоий-

сиёсий фаоллигини ошириш, кучи, салоҳияти ҳамда имкониятини юзга чиқаришга хизмат қилади.

Президентимиз “Устувор мақсадимиз — мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир”, деб таъкидлагани бежиз эмас. Ўртимизда бу борада қилинган ишлар ҳақиқатан дунё учун тажриба вазифасини бажариши мумкин.

Ёшлар — келажак ресурси

Кучли мамлакатгина келажак ҳақида қайгуради. Шу боис, ёшлар билан боғлиқ ташаббуслар нутқнинг муҳим қисми бўлди. Бутун мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи ёшлардан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар қалби ва онгига тинчлик, гуманизм ҳамда дўстлик, ўзаро ишонч, ҳурмат каби эзгу ғояларни сингдириш, “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи диққатга молик. Халқаро штаб-квартираси Тошкентда жойлашган “Тинчлик учун” ҳаракати турли мамлакатлар, динлар ва маданиятларга мансуб ёшларни тинчлик, ўзаро тушуниш ва барқарор ривожланиш қадриятлари афродида бирлаштирувчи платформага айланиши мумкин.

Президентимиз “Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимизнинг қалби ва онгига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни сингдириш долзарб вазифамиздир”, дея ёшларга жуда муносиб баҳо берди.

Эртамиз бугундан бошланади

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурган барча ташаббуслар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлайди. Энг муҳими, бу ғоя ва таклифлар умуминсоний қадриятларга таянади ҳамда жаҳонда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган.

Президентимизнинг адолатли сиёсати туфайли мамлакатимиз ташқи сиёсатда тинчлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини ёрқин акс эттирувчи давлатга айланди. Бу бизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Исмоил ҲАКИМОВИЧ ЖЎРАБЕКОВ



Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирининг маслаҳатчиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков шу йил 28 сентябрь кунин 94 ёшида вафот этди.

И.Жўрабеков 1931 йил 12 сентябрда Самарқанд шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича таълим олди. Меҳнат фаолиятини 1955 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги 8-жамоа ҳўжалигида муҳандис-гидротехник сифатида бошлади.

Кейинчалик ушбу туманда Сўғориш маркази бошлиғи, Ўзбекистон сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Самарқанд вилоят кўрилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи, “Сувқурилиш” трести бошқарувчиси, сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирини каби масўул лавозимларда самарали меҳнат қилиб, республикаимизда ирригация ва мелиорация соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА,
Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ

ҲАР БИР ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ, ИНСОН ҚАДРИНИ ОШИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Нуқтаи назар



Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
Самарқанд давлат университети профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Унинг дастлабки қисмида жаҳондаги зиддиятли жараёнларга эътибор қаратилди. Урушлар, иқтисодий инқирозлар, экологик таҳдид ва ижтимоий тенгсизлик бутуннинг ҳаққоний манзараси сифатида қайди этилди.

“Ҳозирги кунда дунёда халқаро институтларнинг ўрни ва роли заифлашмоқда, қарамақаршилик, низо ва урушлар кучаймоқда, технологик ва ижтимоий тенгсизлик кескин ошмоқда, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси муত্তақо янги, хавотирли геосиёсий воқеаликни вужудга келтирмоқда”, деди давлатимиз раҳбари. Бу баёнот дунёда кучайиб бораётган глобал беқарорлиқни аниқ ифода этди.

Президентимизнинг энг муҳим қақриқларидан бири — БМТнинг асосий платформа сифатидаги ролини сақлаб қолиш ва уни ислоҳ қилиш зарурати хусусида бўлди. Хавфсизлик кенгаши таркибининг кенгайтириш ташаббуси ана шундан келиб чиқади.

Ўзбекистон етакчиси мамлакатимиздаги ўзгаришларга ҳам алоҳида тўхталди. Ўзбекистондаги ислохотлар модели жаҳон ҳамжамиятига таклиф қилинди. Камбағаллик даражаси 35 фойиздан 6,6 фойизгача пасайтирилиб, олий таълим қамрови 9 фойиздан 42 фойизгача кўтарилгани айтиб ўтилди. Бу рақамлар орқали давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги ислохотларни халқаро май-

БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси глобал сиёсий кун тартибининг асосий мавзуси аниқ эди: жаҳон хавфсизлиги ва барқарор тараққиётни қандай таъминлаш мумкин? Бу саволга минбарда туриб жавоб берганлар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги ислохотлар билан бирга дунёдаги хавф-хатарларга нисбатан ўз концептуал қарашларини баён қилди. Нутқ глобал ҳамжиҳатлик ва тинчлик ғояси билан йўғрилгани ҳамда амалий ташаббуслар илгари сурилгани билан алоҳида аҳамиятга молик.

донга намуна сифатида тақдим этди. Асосий мақсад — ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини ошириш.

Давлатимиз раҳбари минтақавий сиёсатга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Саккиз йил олдин бошланган “Янги Марказий Осиё” концепцияси бугун натижаларини кўрсатаётгани, қўшни мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми 5 баробар ўсгани, инвестиция жамғармалари ва саноат зоналари ташкил этилгани, чегаралар очилиб, низолар тарихда қолгани айтиб ўтилди: “...Бугунги кунда Янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошланди. Минтақамиз ўзининг ҳамжиҳатлиги, барқарорлиги, ўзига хослиги билан халқаро муносабатлар тизимида алоҳида субъект сифатида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда”.

Ёшлар масаласи ҳам алоҳида эътибор марказида бўлди. Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракатини таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи ёшлар сиёсатини глобал даражага олиб чиқади. Тез фурсатларда очилиши кутилаётган Ислom цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий меросининг БМТда тақдим қилиниши Ўзбекистоннинг маънавий дипломатиясини кучайтиради.

Бу фикр Ўзбекистоннинг нафақат миллий, балки минтақавий етакчи сифатида ҳам намoён бўлаётганини аналтади.

Президентимиз халқаро можароларга нисбатан ҳам ўз фикрини очик ифода этди: Афғонистон яккаланиб қолмаслиги керак, Ғазода “икки халқ учун — икки давлат” тамойили устувор бўлиши лoзим, Украинадаги муаммо фақат дипломатик мулоқот орқали ҳал қилиниши зарур. Бу ёндашув Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ тамойилларига содиқ ва тинчликпарвар давлат эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Нутқда экологик масалаларга ҳам алоҳида ургу берилди. Орол денгизи қуриши-

нинг оқибатлари, сув танқислиги инсоният олдидаги энг катта синов экани кўрсатиб ўтилди. Бу борада Ўзбекистонда аллақачон амалий ҳаракатлар бошлаб юборилгани, 2 миллион гектар майдонда чўл ўсимликлари экилгани таъкидланди.

Ёшлар масаласи ҳам алоҳида эътибор марказида бўлди. Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракатини таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи ёшлар сиёсатини глобал даражага олиб чиқади. Тез фурсатларда очилиши кутилаётган Ислom цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий меросининг БМТда тақдим қилиниши Ўзбекистоннинг маънавий дипломатиясини кучайтиради.

Ушбу нутқ нафақат Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги асосий устувор

ХАЛҚПАРВАР ТИЗИМ — ЮКСАК МАРРАЛАР КАФОЛАТИ

Инсон ҳар доим бахтли, фаровон яшашни истаиди. Бунинг ўлчови эса ўша инсон истикомат қилаётган юртда унга кўрсатилаётган эътибор, яратиб берилаётган шароитдир. Ўзбекистонда турфа қараш, эътиқодларга эга кўллаб халқлар, миллат ва элатлар яшайди. Уларнинг ҳар бири фақат ўз қарашини, мафқурасини, эътиқоди асосида бахтли, фаровон яшаш мумкин деб билади ва бу табиий ҳол.

Лекин дунёда бутун жамиятни битта қилишга қилиш, ягона мафқура асосидагина фаровон, бахтли қилиш мумкин деган қараш ҳам мавжуд. Қайсидир тоифа ғояси илгари сурилиб, бошқаларнинг ҳуқуқини, қадр-қиммати ерга урилади. Бу эса низоларга сабаб бўлади.

Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида бундай низолардан холи бўлиш йўлини танлаган. Яъни юртимизда мавжуд қонулар барча учун тенг, ҳамманинг виждон эркинлиги таъминланган. Шу орқали жаҳонда бирдамлик, турфа қарашларга эга фуқароларнинг ягона мақсади — мамлакат тараққиёти йўлида бирлашиши оз бермоқда. Бунда Президентимизнинг “Бир бўласак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” деган фикри йўлчи юлдуз вазифасини бажаряпти.

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга кучли, қудратли, инсон ҳуқуқлари тўла ҳимоя қилинадиган, сўз эркинлиги таъминланган демократик давлатга айланиб бормоқда. Бунинг неғизид, аввало, тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачигидек асраб, ёш авлодини ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати муважжам. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги гапини эслаб ўтишни ўринли деб ўйлаймиз: “Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оксарой пештоқига: “Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шioriдир”, деган ҳикматли сўзларни ёздиригани бежиз эмас, албатта. Ушбу улугвор ғоя инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди”.

Ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар асосида яна бир ҳақиқатни таъкидлаш жоиз. Тарихини доно, қатъиятли, узоқни кўра билган шахслар яратган. Шахслар давлатнинг, халқнинг у ёки бу бурилиш нуқтасида катта саҳнага чиқади, унинг тараққиёти учун ўзида инқилобий қарорлар қабул қилишга шикоят ва жасорат топа олади. Президентимиз халқимиз тарихини янги — нулли иқбoл ўзанига бура олди. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш даврини бошлаб берди, халқимиз қонида мураб ётган бунёдкорлик,

тадбиркорлик, илму маърифатга интилишни уйғотди.

Ҳақиқатан, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас. “Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи”, дея бошланадиган янгиланган Конституциямиз эса мазкур ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади.

Баъзан ўйлаб қоламиз, нега янги Ўзбекистон? Унинг мазмун-моҳияти нимада? Чунки “янги” сўзи “жадид” деган маънони беради. Миллатни саводли, ўқимшли, юксак оруз-ниятли, ватанимизни жаҳоннинг илгор мамлакатлари қаторида кўришни истаган жадид боболаримиз орузидаги давлат барпо этиш ғояси энди узоқ ўтмиш қаъридан бугунимизга кўчди. Бу бор гап. Демак, бугун давлатимиз етакчисини қўллаб-қувватлаётганларни, дунёда тенглар ичра тенг бўлишга чорлаётганларни ҳам бемалол жадидлар деб атасак бўлади.

Аслида, жадал ўзгараётган дунёда ўзлимизни англаш ва миллий бирлигимизни ривожлантиришга, тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган иллату камчиликлардан қутулишга интилаётганимиз, юксак марраларни кўзлаётганимиз жадид боболаримиз оруз қилган жамият сари йўл олганимиздан дарак.

Адолат одамларда келажакка ишонччи мустаҳкамлайди. Шу боис, Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси қафолатланган. Илгариги “давлат — жамият — шахс” тамойили бугун “инсон — жамият — давлат” макomini олди.

Конституцияимиздаги “Давлат халқ ирода-сини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъуллирлар”, деган норма мамлакат тараққиётида бирламчи, яхлит ва ягона роль ўйнайди.

Давлат бошқарувининг самарали, яхлит ва халқпарвар тизимини мустаҳкамлаш, парламентаризмни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлиги ва давлатнинг барқарор ривожланиши таъминланади.

Ҳар бир демократик давлат ривожиди миллий Конституция ҳуқуқий таянч ва муҳим омилдир. Конституция ва миллий қонуларга итоат муҳити жамиятда миллий тотувлик ва барқарорлик ҳукм суриши,

инсонларро ўзаро ҳурмат мустаҳкамла-ниши, миллий ва умуминсоний қадриятлар қадр топишининг асосидир.

Тарих шoҳид, давлатчилик ривожиди қатъият билан олга интилиш ҳамшиа ягона мақсад теғрасида жипслашиш асосидаги туб ўзгаришларни талаб этади. Халқимизга муносиб турмуш шарoити яратиш, одамлар ислохотлар самарасини узоқ келажакда эмас, балки бугун ҳис этиши учун марказдан то қуйи даражагача бўлган давлат бошқарувида аҳоли фикри ва дардини тинглаш, очиклик сиёсати, муаммоларнинг амалий ечимини топишга қаратилган барча сайё-ҳаракатлар эл-юрт манфаати устувор бўлган ички ва ташқи сиёсатнинг Конституциямизда белгиланган тамойилларининг амалдаги самараларидир.

Янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистон ҳеч қачон демократиядан воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчиликка содиқлигини қафолатлайди.

Президентимизнинг 2024 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кунин байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги формoийи билан тасдиқланган 53 банддан иборат дастурда доимий хусусиятга эга чора-тадбирлар, айниқса, электрон Конституция қутубхонасини яратиш бўйича вазифа белгиланган. Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш тизимини такомиллаштириш орқали аҳоли барча қатламнинг ҳуқуқий саводхонлигига эришишини таъминлаш мумкин. Бу йўналишда кўрилаётган чоратадбирлар ҳам ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги интилишларимизга мосдир.

Дунё сиёсий майдонда кескин ўзгаришлар — икки хил стандартлар авж олган паллада янги Ўзбекистон тинчлик элчисидеб эътироф этилаётгани бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз ички сиёсатидаги туб ўзгаришларни аини форматда ташқи сиёсатда ҳам кенг тарғиб этмоқда. Биргина мисол, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг халқаро микёсдаги 10 дан орттиқ резолюцияси қабул қилинди.

Қонулар амал қилинган вақтидагина яшайди деган фикр бор. Янги Ўзбекистон Конституциясини улуг аждодлардан мерос умуминсоний ғоялар, эзгу фикрлар билан бойитилган. Бундай қонун ортга қайтмас тус олган ислохотларга қувват беради. Жамиятни бир бутун халқ, ягона ватан йўлида бирлаштиришда, истиқболда кучли давлатни барпо этишни тезлаштиради.

Карим НОРМАТОВ,
Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети профессори,
тарих фанлари доктори

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН МАЪНАВИЙ ДИПЛОМАТИЯ

Музаффар КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқаро
исломшунослик
академияси ректори,
тарих фанлари номзоди,
доцент

Бошланиши 1-бетда

Марказнинг энг асосий қисмида Қуръони карим зали бунёд этилмоқда. Бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси — қадимий Усмон Муҳсаффи жойлаштирилади. Шунингдек, Қуръони каримнинг жаҳондаги энг нодир қўлёзма нусхаларидан намуналар ўрин олади.

Ушбу ноёб меъморий мажмуада халқимизнинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш, ёш авлодни юксак маънавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Юртимизда Имом Мотуридий, Имом Термизий, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилгани, кўплаб илмий изланишлар қилинаётгани, буюк алломаларимизнинг дурдона асарлари таржимаси ва наشري йўлга қўйилгани алломалар меросига чуқур ҳурматдан далолатдир. Улуғ аждодларимиз илми ва мероси юртимизнинг маънавий қудрати ҳамда тараққиёт пойдевори эканини бугун бутун дунё кўриб турибди.

Ўзбекистон раҳбари Имом Термизий мажмуасини шахсан очиб бергани халқимиз тарихида унутилмас воқеа бўлди. Бу мажмуа нафақат зиёратгоҳ, балки исломшунослик, ҳадисшунослик ва маънавий маркази сифатида бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбари очилиш маросимида бундай деган эди: **“Имом Термизий каби буюк алломаларимизнинг мероси — халқимиз учун ифтихор, ёшларимиз учун маънавий йўл-йўриқдир. Бундай муқаддас масканлар бизнинг келажак авлодга соғлом дунёқараш ва маънавий иммунитет тарбиялашимизда муҳим аҳамиятга эга”**.

Шу кунларда Самарқандда Имом Бухорий мақбарасида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал давом

Уйғоқ фикр

этноқда. Умумий майдони 44 гектар бўлган ушбу мажмуада ҳадис илми султони-нинг мақбараси, 10 минг кишилик масжид ва маъмурият биноси қуриб битказилган. Президентимиз мақбара қурилиши жараёнини кўздан кечирар экан, бу мажмуа фақат зиёрат манзили эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши кераклигини таъкидлаган эди. Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ва камолоти бу ерга таширф буюрувчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлишини алоҳида қайд этганди.

Мажмуада замонавий технологиялар асосида инновацион музей ҳам ташкил этилгани таҳсинга лойиқ, У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Қуръони каримда исмлари зикр қилинган 25 пайғамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг аждодлари шажараси, у зотнинг Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланishi ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Яқинда Президентимиз қарори билан Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилгани ва марказ исломшунослик йўналишидаги илмий тадқиқотлар ҳамда дин билан боғлиқ жараёнлар бўйича таҳлилларни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилангани мазкур соҳадаги ислохотларнинг чуқур мантикий давоми бўлди, десак, янглишмаймиз.

Халқро майдонда янги Ўзбекистоннинг обрўси ва нуфузи кун сайин ортиб бормоқда. Бу, аввало, давлатимиз раҳ



барининг қатъий сиёсий иродаси, чуқур тафаккури ва олий ғояларни илгари суриши билан бевосита боғлиқ.

Бунни БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Президентимиз олий минбарга чиқиб, инсоният тақдирига дахлдор масалаларни мардона илгари сурганида, нутқда тинчлик ва барқарорлик, диний бағрикенглик, маърифатпарвар ислом ғоялари, инсон қадри ва адолат тамойиллари устувор ўрин тутганида кўришимиз мумкин.

“Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очиқ мулоқот ва яқин шериклик тарафдоридир. Биз халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида ўз ҳиссамизни қўшишга доим тайёرمиз”, дея ҳар қандай шаклдаги айирмачиликни кескин рад этиб, эзгулик йўлидаги ҳамкорликка қақирадиган Президентимизнинг ушбу пурмаъно нутқи жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбари тарихий нутқда Ғазадаги вазиятга ҳам алоҳида тўхталиб

Президентимизнинг ушбу нутқи Ўзбекистоннинг тинчлик, маърифат ва тараққиёт йўлидаги қатъий позициясини ифода этади. Унда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар юртимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтириши шубҳасиз. Бу нутқ нафақат сиёсий аҳамиятга эга, балки маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам барчамиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Ўтди: **“Ғазо секторидagi тобора кескин ёмонлашиб бораётган гуманитар инқирозни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва сиёсий музокара-ларни давом эттиришга қақирамиз. Биз БМТ резолюцияларига мувофиқ, “икки халқ учун — икки давлат” та-мойилини амалга оширишнинг қатъий тарафдоримиз”**.

Сўз ва амал бирлиги деганларидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уруш ҳудудларида азият чеккан фаластинлик 100 нафар бола ва аёл мамлакатимизга олиб келинганди. Ўзбекистонга келган бемор болалар ва аёллар, уларга ҳамроҳлик қилувчилар давлат томонидан тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштириш муассасаларига жойлаштирилди. Уларнинг ҳаётга тўлақонли мослашувини таъминлашга кўмак берилмоқда. Бу хайрли ишларни инсонийликнинг олий намунаси деб баралла айтиш мумкин.

Президентимиз айтилиши бандпарвоз, ижроси даргумон, самараси маъхум, натижасини “қўл билан тутиб, кўз билан кўриб” бўлмайдиган ташаббусларни ҳеч ҳам илгари сурмайди. Ҳар бир ташаббуси, ҳар қандай таклифи аниқ, бажариш механизми ва усуллари мавжуд, натижасини равшан кўриш, санаш, ўлчаш мумкин.

“Бундан 8 йил муқаддам биз ушбу юксак минбардан туриб, Марказий Осиёни тинчлик, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айлантиришга қатъий қарор қилганимизни эълон қилган эдик. Бугун чуқур мамнуният билан таъкидлаш мумкин: биз бу стратегик мақсадга эришдик. Ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди”, деди Ўзбекистон етакчиси БМТ сессиясидаги нутқиди. Сўз ва амал бирлигига мисол сифатида кўрсатиш мумкин бўлган бу эзгу ташаббуснинг ижроси бугун минтақамиздаги миллионлаб одамлар ҳаётида ўз аксини топмоқда. Инсоний муносабатларда борди-келди, бозор-ўчар, қудда-андачиликда ҳеч қандай тўсиқлар қолмаган бўлса, давлатлараро алоқаларда ўзаро савдо, инвестициялар ва транспорт ташувлари ҳажми беш баробаргача кўпайди. Қўшма инвестиция жамғармалари, чегара ҳудудларда савдо ва саноат зоналари ташкил этилди, йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, океанортига сафар давомида Ўзбекистон ва АҚШ Президентлари учрашув ўтказди. Ушбу мулоқот икки давлат алоқаларининг сиёсий пойдеворини мустаҳкамлаб, амалий ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди. АҚШ етакчиси янги Ўзбекистонда иқтисоди-

ётни модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ортга қайтмас ислохотларни яна бир бор қўлаб-қувватлади.

Айниқса, АҚШ Президенти Дональд Трамп ўзининг “Truth Social” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида қуйидаги постни ёзиб қолдирганини жаҳон ҳамжамияти диққат билан кузатди: **“Президент Мирзиёев — бир сўзли инсон ва биз бошқа кўплаб масалалар устида биргаликда ишлашда давом этамиз! Бу масалага эътиборингиз учун ташаккур”**. Дунёнинг етакчи давлат раҳбари тилидан чиққан самимий сўзлар мамлакатимиз, унинг олижаноб халқига берилган муносиб баҳо бўлди.

Шунингдек, Президентимизнинг АҚШга таширфи давомида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, Чехия Республикаси Президенти Петр Павел, Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён, Албания Президенти Байрам Бегай, Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн билан учрашувлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда жиддий қадм бўлди.

АҚШнинг етакчи молиявий институтлари — “Franklin Templeton”, “Citigroup”, “BNY Mellon”, “NASDAQ”, “Boeing”, “MasterCard”, “Visa”, “General Motors”, “Nvidia”, “Oppenheimer”, “Jefferies”, “Air Products”, “Traxys”, “FLSmidth”, “Cleveland Clinic”, “Cargill” каби компаниялар раҳбарлари билан мулоқотлар ҳам ушбу таширфининг самарали кечганини тасдиқлайдиган кўрсаткичдир.

Албатта, юбилей сессиянинг кўлами ниҳоятда кенг. Зеро, БМТ сессияси жаҳон миқёсида энг нуфузли ва муҳим сиёсий минбар. Унда дунёдаги глобал муаммолар, инсоният тақдирига дахлдор долзарб масалалар кўтарилди. Бу эса бизга янги қақирқилар, зиммамизда турган янги вазифаларни белгилаб олишга ундади.

Биз ислом маърифатини илмий асосда ўрганиш, ёш авлодни маънавий бойлик ва замонавий билим билан қуроллантириш ҳамда жаҳон ҳамжамиятига алломалар меросини етакзишга қаратилган ишларимизни янада қучайтирамиз.

Президентимизнинг ушбу нутқи Ўзбекистоннинг тинчлик, маърифат ва тараққиёт йўлидаги қатъий позициясини ифода этади. Унда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар юртимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтириши шубҳасиз. Бу нутқ нафақат сиёсий аҳамиятга эга, балки маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам барчамиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Мулоҳаза



Манзураҳон САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 80-юбилей сессиясидаги нутқи кенг жамоатчилик эътиборини тортиши билан бирга, умумсиёсий мунозараларда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Яқин даврда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатлар янги, амалий ва фолд босқичга кўтарилди. Бир пайтлар БМТ минбарига минтақавий муаммолар ва экологик инқирозлар ҳақида сўз юритилган бўлса, бугун Президентимиз бутун дунё учун муҳим долзарб масалалар, ташаббус ва ечимларни таклиф қилмоқда.

Бугун БМТнинг Ўзбекистонга эътиборини кузатсак, ўзаро мулоқот, ҳамкорлик платформаси кенгайганига амин бўламиз. Масалан, Орол денгизи инқирозини

ТАШАББУСЛАР МОҲИЯТИДАГИ ҲАҚИҚАТ

юмшатишга бағишланган резолюциялар, ёшлар ҳуқуқлари бўйича ташаббуслар ва туризмин ривожлантиришга доир мулоқотлар бу ҳамкорлик мустаҳкамлигини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари илгари сурган ҳар бир таклиф ва ташаббус чуқур ўйланган ҳамда улар замирида Ўзбекистоннинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси мукжасас.

Хусусан, Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи тасодифий эмас. Бу таклиф янги Ўзбекистоннинг инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътиборини акс эттиради. Бугун мамлакатимизда мактабгача ва олий таълим қамрови кескин ошди, ўқитувчиларнинг маъкеи кўтарилди. Саммит эса мамлакатимизга дунёдаги илгор тажрибаларни олиб кириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва таълимдаги ислохотлар ва эришилган ютуқларни кўрсатиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, миллат келажиги учун замин ҳозирлайди. Чунки замонавий билимга эга ёшлар янги корхоналар очиш ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқишга қодир.

Шунингдек, Ислон цивилизацияси марказининг очилиши ва буюк алломаларимиз мероси тақдимотининг БМТда ўтказилиши Ўзбекистоннинг илм-фан ва маърифатга юксак эътиборини, бу соҳадаги бой тарихини жаҳонга намоён этади.

Айниқса, мамлакатимиз ташаббуси билан БМТда болалар сарвотонига қарши курашга бағишланган юқори даражали тадбир ўтказиш таклифи аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириш ташаббуси мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсатнинг мантикий давомидир.

Президентимиз бундан 8 йил муқаддам ушбу юксак минбарда туриб, Марказий Осиёни тинчлик, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айлантиришга қатъий қарор қилганимизни қатъият билан таъкидлаган эди. Бу гал БМТ минбарига ёпиқ чегаралар ва ҳал этилмаган баҳслар даври ортда қолгани алоҳида қайд этилди. Жумладан, **“...биз бу стратегик мақсадга эришдик. Ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди”,** деди давлатимиз раҳбари.

Бугун минтақада ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланиб, савдо, транспорт ва инвестициялар ҳажми бир неча баробар ошди. Қўшма фондлар, саноат зоналари ва йирик инфратузилма лойиҳалари ишга



таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи эса ёшларимизнинг келажакдаги тинч ва фаровон ҳаётга интилишини мамлакат етакчиси мисолида акс эттириб берди. Қувонарлиси, бу ташаббус ёшларнинг глобал миқёсда бирлашиши ва тинчликни мустаҳкамлашдаги ролини оширади

хабини ташкил этиш ва БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёдаги ҳамкорлиқни қўлаб-қувватлашга доир резолюциясини қабул қилиш ташаббуслари минтақамизнинг халқро муносабатларда алоҳида субъект сифатида янада қучайиб, глобал иқтисодиётга интеграциялашувига замин ҳозирлайди.

Президентимизнинг Афғонистоннинг яккаланиб қолишига йўл қўймаслик ҳамда

бу мамлакат орқали халқаро транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш бўйича БМТнинг алоҳида резолюциясини қабул қилиш таклифи минтақадаги барқарорлиқни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, Минтақавий реабилитация кенгашини Халқаро компетенциялар марказига айлантириш ва Терроризмга қарши кураш бошқармаси минтақавий офисини Ўзбекистонда очиш ташаббусларни мамлакатимизнинг терроризм ва радикализмга қарши курашдаги қатъий позициясини кўрсатади.

Орол денгизи фожиаси глобал муаммо эканини Президентимиз яна бир бор шу минбарда туриб таъкидлади. Қуриган денгиз тубидаги 2 миллион гектар майдонда саксовул ва чўл ўсимликлари экилгани, 2030 йилгача бу ҳудуднинг 80 фоизига яшил қопламалар ҳосил қилиш

мақсади қўйилган бу ишларнинг кўлами ва муҳимлигини кўрсатади.

Суви тежаш бўйича бутунжаҳон форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи ҳам жуда долзарб. Мазкур форум мамлакатимизни сув ресурсларини бошқариш соҳасида етакчиға айлантириши мумкин. Экологик миграция бўйича Глобал пакт қабул қилиш таклифи эса бу долзарб муаммога халқаро даражада ечим излашга қаратилган яна бир муҳим чорлов бўлди.

Давлатимиз раҳбари рақамли ривожланиш ва суний интеллектдан фойдаланишда тенгсизлиқнинг олдини олиш ҳақидаги фикрлари билан замонавий дунёдаги муҳим муаммога халқаро жамоатчилик эътиборини қарата олди. Ушбу соҳада ҳамкорлик механизминини яратиш таклифи Ўзбекистоннинг технологик тараққиёт борасидаги очиқ сиёсатини англатди.

“Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи эса ёшларимизнинг келажакдаги тинч ва фаровон ҳаётга интилишини мамлакат етакчиси мисолида акс эттириб берди. Қувонарлиси, бу ташаббус ёшларнинг глобал миқёсда бирлашиши ва тинчликни мустаҳкамлашдаги ролини оширади.

БМТ минбарига баралла айтилган бу каби таклиф ва ташаббуслар янги Ўзбекистоннинг мақсади, эртанги режалари ва ўз етакчиси орқали бутун дунёга янграётган ҳақиқий овозидир. Демак, Президентимизнинг нутқи янги Ўзбекистоннинг бутун дунёга ўзи ҳақида билдирган муҳим хабари бўлди. Зеро, нутқ моҳиятига сингган бир ҳақиқат бор — биз нафақат ўз келажакимиз учун масъулмиз, балки глобал тинчлик, тараққиёт ва инсоният фаровонлигига ҳам ҳиссамизни қўшишга тайёرمиз!

КАМ ХАРАЖАТ ВА КУТИЛГАН САМАРА



Бекзод ХАМРОЕВ,
Миллий статистика
қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Бу муайян сана ёки даврда ўтказилади ва аҳолининг сони, таркиби, демографик ҳолати, яшаш жойи, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари каби жиҳатларни қамраб олади.

Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш кенг қўламли статистик тадқиқот бўлиб, ундан мақсад аграр секторнинг ҳолати, тузилиши ва ресурслари тўғрисида ишончли маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилишдир. Бундай кузатув иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисида долзарб маълумотлар олишга ёрдам беради.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиши давлат ҳамда ҳудудий даражадаги иқтисодий-ижтимоий режалаштириш учун асос бўлади, ижтимоий хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, транспорт) тақсимотини адолатли ташкил этишга ёрдам беради. Шунингдек, урбанизация ва миграция жараёنларини таҳлил қилиш ҳамда халқаро миқёсда қабул қилинган статистик меъёрларга мос маълумотлар базасини яратишга хизмат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш, одатда, халқаро меъёрлар бўйича ҳар 10 йилда ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ҳар 5 йилда бир марта ўтказилади. Бутун мамлакатни тўлиқ қамраб олиш орқали аҳоли тўғрисидаги энг ишончли статистик манба ҳисобланади. Ушбу жараён янги Ўзбекистонда ҳам маҳалла тизими ва фуқаролик жамияти институтларини жалб этган ҳолда демократик ва очиқ шаклда ташкил этилмоқда.

Бугун аксарият мамлакатлар аҳолини рўйхатга олишни замонавий технологиялар асосида йўлга қўймоқда. Ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий тузилмаси ва иқтисодий шароитидан келиб чиқиб, рўйхатга олиш жараёнида ўзига хос тажриба ва механизмларни ишлаб чиққан.

Масалан, Туркияда аҳолини рўйхатга олиш тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Бу жараён мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида муҳим ўрин тутган. XX аср мобайнида анъанавий тарзда аҳолини рўйхатга олиш ҳар 5-10 йилда бир марта ташкил этилар, бу жараён эса ўзига хос қатъий тартиб ва чораларга асосланган эди.

Ушба даврда рўйхатга олиш кунги кўчага чиқиш тақиқланиши мамлакат бўйлаб эълон қилинган. Барча фуқаро бир кун уйда қолишга мажбур бўлган. Маҳалла ва кўчаларга махсус тайинланган рўйхатга олувчилар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, баъзи ҳолларда ҳарбий хизматчилар ҳам жалб этилиб, уйга қатъий назоратга олинган. Ҳар бир уйга кириб, аҳоли сони, таркиби, яшаш шароити ҳақида маълумотлар йиғилган. Фуқароларнинг уйда қолиши мажбурий бўлгани учун бу усул қисқа муддатда кенг қамровли маълумот олиш имконини берган. Бироқ бу тизим вақт ва ресурслар талаб қилиши, айрим ҳатоларни эҳтимоли ҳамда аҳолига ноқулайлик туғдириши билан тавсифланган.

Замонавий тараққиёт ва рақамли технологиялар ривожини билан Туркия 2007 йилда аҳолини рўйхатга олиш тизимида туб ислохотлар ўтказди. Анъанавий усулдан воз кечилиб, манзилга асосланган аҳоли рўйхати тизими жорий этилди. Бу тизим орқали фуқаролар ҳақида зарур барча демографик маълумотлар давлатнинг мавжуд регистрлари ва электрон маълумотлар базаларидан олинади.

Беларусь Республикасида аҳолини рўйхатга олиш узоқ йиллик анъанага эга бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштириш ва демографик сиёсатни шакллантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Аҳолини рўйхатга олиш жараёни илк бор 1897 йилда ўтказилган бўлса-да, мустақил Беларусь Республикасида замонавий

шаклдаги рўйхатга олиш жараёни 1999, 2009 ва 2019 йилларда амалга оширилган.

Тарихан, Беларусь Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ишлари анъанавий тарзда — рўйхатга олувчилар томонидан уйма-уй юриб, маълумот йиғиш усули орқали бажарилган. Рўйхатга олувчилар ҳар бир хонадонга кириб, оила аъзоларининг сони, яшаш шароити, таълим даражаси, бандлик ҳолати, миллий таркиби каби кўрсаткичлар бўйича сўровнома тўлдирган. Ушбу жараён вақт ва ресурслар билан бирга фуқароларнинг бевосита иштирокини ҳам талаб қилган.

Бироқ замонавий технологик тараққиёт ва рақамлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда 2019 йилда Беларусь Республикаси аҳолини рўйхатга олишда янги, комбинацияланган (аралаш) усулни жорий этди. Янги ёндашув орқали аҳолининг маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш жараёни анча соддалаштирилди ва самарадорлиги оширилди.

Фуқаролар ўз маълумотларини давлат статистика идораси (Белстат) расмий веб-сайти орқали махсус платформада мустақил киришти имкониятига эга бўлди. Бу усул аҳоли орасида кенг оммалашди ва жараёни тезлаштирди. Шунингдек, маҳаллий марказий жойларда махсус пунктлар ташкил этилди. Бу ерда фуқаролар ўз маълумотини рўйхатга олувчилар ёрдамида киритиши мумкин эди.

Интернетдан фойдалана олмаган ёки мустақил рўйхатдан ўтмаган аҳоли учун рўйхатга олувчилар ўз мобил қурилмалари (планшетлар) ёрдамида маълумот тўплашни давом эттирди.

Бундан ташқари, барча тўпланган маълумотлар махсус ахборот хавфсизлиги чоралари остида қайта ишланиб, фуқароларнинг шахсий маълумотлари махфийлиги қатъий ҳимоя қилинди.

Хитой дунёдаги энг кўп аҳолига эга давлат сифатида фуқароларини рўйхатга олишга алоҳида эътибор қаратади. Хитойда аҳолини рўйхатга олиш жараёни дастлаб 1953 йилда ўтказилган. Энг сўнгги рўйхатга олиш ишлари 2020 йилда амалга оширилди ва у дунёдаги энг йирик статистика тадбири сифатида тарихга кирди.

Аҳолини рўйхатга олиш Хитойда анъанавий равишда кенг қўламли ва жисмоний амалга оширилган: миллионлаб рўйхатга олувчилар ҳар бир уйни айланиб, маълумот йиққан. Шу билан бирга, замонавий технологик ечимлар билан бу жараён анча самарали ва тезкор шаклга келтирилди.

2020 йилги аҳолини рўйхатга олишда Хитой инновацион ёндашувларни қўлади. Хусусан, мобил иловалар орқали рўйхатга олувчилар маълумотларини реал вақт режимида марказий серверларга узатди. Фуқаролар учун онлайн ўзини ўзи рўйхатдан ўтказиш платформаси ишлаб чиқилди. Рўйхатга олинмаган ҳудудлар GPS технологиялари ёрдамида тезкор аниқлаб борилди.



Кенг қўламли ва тезкор маълумот йиғиш, электрон технологиялар орқали ҳатоларни камайтириш, шунингдек, демографик сиёсатни реал вақтда шакллантириш имконияти кабиларни эътироф этиш мумкин.

Германияда аҳолини рўйхатга олиш жараёни ўзига хос, замонавий ва тежамкор услуб билан ажралиб туради. Анъанавий уйдан уйга юриб сўров ўтказиш усулидан фарқли ўлароқ, Германия замонавий статистика амалиётида маълумотлар базасига асосланган тизимни афзал қўймоқда. Бу тизим орқали аҳолининг асосий демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари давлат идораларининг мавжуд регистрларидан олинади.

Бугун Германия аҳолини рўйхатга олиш соҳасида инновацион ёндашувни амалиётга таъбиқ қилган давлатлар қаторида етакчи ўринни эгалламоқда. Ушбу тажрибага кўра,



ривожланган давлатлар замонавий технологиялар ва маълумотий инфратузилмани интеграция қилган ҳолда демографик маълумотларни тўплашда юқори даражада аниқлик ва самарадорликка эриша олади.

Ҳозир янги Ўзбекистон шароитида демографик ва иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, халқ фаровонлигини ошириш, барқарор ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш учун аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Статистик маълумотлар аниқлиги мамлакатда инфратузилмани режалаштириш, ижтимоий дастурларни самарали ташкил қилиш ва халқаро майдонда ишончли иқтисодий кўрсаткичларни тақдим этиш учун асосий омилдир. Шу сабабли рўйхатга олиш жараёнини замонавий, тежамкор ва ишончли асосда ташкил этиш долзарб вазифа сифатида кун тартибига чиқмоқда.

қондалар, текширув ва автоқодлар киритилиши рўйхатга олувчилар ҳатоларини кескин камайтиради. Рўйхатга олувчиларнинг иш унумдорлиги, географик қамрови реал вақтда мониторинг қилинади.

Ўзбекистонда эса бу борада миллий анъана ва замонавий технологиялар уйғунлигида инновацион ёндашув — “маҳалла етилиги” модели асосида иш юритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Янги Ўзбекистоннинг бошқарув тизимида маҳалла нафақат ижтимоий институт, балки аҳолини тизимли қамраб олиш ва таҳлил қилишда муҳим дарвоза вазифасини ўтамоқда. Шу нуқтадан назардан, Ўзбекистонда ҳам мавжуд тизим асосида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш таклифи илгари сурилмоқда.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишда “етилик” ёрдамида фойдаланишнинг афзалликлари кўп. Хусусан, “маҳалла етилиги” аҳолининг қўндалик ҳаётидан хабардор бўлгани учун рўйхатга олиш жараёнида аниқлик ва тезкорликка эришилади. Махсус рўйхатга олувчиларни кенг қўламада сафарбар қилиш ўрнига маҳалла тизимидан фойдаланиш орқали молиявий ва ташкилий харажатларнинг катта қисми тежаллади. Чека ҳудудлар ва зиф қатламлар ҳам тўлиқ қамраб олинади. Шунингдек, аҳоли маҳалладаги таниш вақиллар орқали маълумот беришга кўпроқ очиқ ва тайёр бўлади. Қолаверса, маҳалла вақиллари мобил қурилмалар орқали маълумотларни тўплаш ва марказий тизимга узатиш имкониятига эга.

Ушбу таклиф нафақат иқтисодий жиҳатдан тежамкор, балки давлат бошқарувида маҳаллаларнинг ижтимоий ролини оширувчи ва жамият билан тўғридан тўғри ишловчи инновацион ёндашув сифатида ҳам ўзининг долзарблигини намоян этади.

Рўйхатга олиш натижасида янгилаб бориладиган, реал ва ишончли маълумотлар базасини шакллантириш имконияти яратилади. Бу эса, ўз навбатида, барқарор ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, инфратузилма лойиҳаларини адолатли режалаштириш, ижтимоий хизматлар тақсимотини такомиллаштириш ҳамда халқаро ташкиллар билан ҳамкорликда ишлашда мамлакатнинг позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Замонавий давлат бошқаруви учун демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотлар аниқлиги барқарор ривожланиш, замонавий инфратузилма ташкил этишни режалаштириш ва ижтимоий хизматлар тақсимотини тўғри ташкил қилиш учун зарур. Шу боис, рўйхатга олишда самарали ва иқтисодий ёндашувларни жорий этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш маҳалла ҳодимларини рағбатлантириш ҳамда тарғибот ишларини ташкил этишга йўналтирилди.

Энг муҳим янгилик шундаки, таклиф этилаётган янги ёндашув орқали рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш харажати сезиларли камайтирилмоқда. Яъни дастлабки ҳисоб-китобларда 1 триллион 667 миллиард сўм деб белгиланган харажат миқдори 12 баробар қисқартирилиши эвазига 1,5 триллион сўм иқтисод қилиниши кутулкимоқда.

Бу эса рўйхатга олиш жараёнини молиявий жиҳатдан самарали ташкил этиш билан бирга, бюджет маблағларидан тежамкорлик билан фойдаланиш имконини ҳам беради.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишда мавжуд тизимдан фойдаланиш янги Ўзбекистоннинг бошқарув тизимини замонавий, халқчил ва тежамкор йўналишда ривожлантириш учун инновацион қадамдир. Бу ёндашув нафақат маблағни тежалди,



балки рўйхатга олиш сифатини ошириб, давлат ва жамият ўртасида ишончли алоқа кўпригини мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини замонавий ва самарали ташкил этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Рўйхатга олиш орқали жамиятнинг ҳақиқий демографик ва иқтисодий кўрсаткичлари аниқланади. Бу эса ислохотларнинг илмий асосда олиб борилиши, ижтимоий сиёсатнинг адолатли шаклланиши ва давлат бошқаруви самарадорлиги ошишига замин ҳозирлайди.

Инновацион ва миллий шaroитларга мослашган гибрид ёндашув — “маҳалла етилиги” тизимидан фойдаланиш орқали ушбу жараёни анча самарали ва иқтисодий тежамкор шаклда амалга ошириш мумкин. Бунда янги ҳодимлар ёллаш ва уларга маош тўлаш харажатида воз кечилди ҳамда мавжуд планшетлардан фойдаланилади. Шу боис, янги планшет хариди учун маблағ сарфланмайди.

Умуман олганда, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишда инновацион гибрид ёндашув Ўзбекистон учун нафақат молиявий таъминлайдиган, давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштирадиган ва фуқароларнинг давлатга ишончини оширадиган самарали модель сифатида хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлида бундай илгор, халқчил ва тежамкор ёндашувлар муҳим босқич бўлиб, келгусида бошқа соҳаларга ҳам инновацион ишловларни тарғиб этишда ўзига хос тажриба мактабига айланади.

Мамлакатимизда 2021 йил ноябрда Андижон вилоятининг Хўжабод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда

Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тартиқида аҳолини рўйхатга олиш жараёни ўтказилган.

Шу билан бирга, 2022 йил августда Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳамда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида қишлоқ хўжалиги синов тартиқида рўйхатга олинган.

Мазкур тажриба-синов жараёнида рўйхатга олиш ишлари анъанавий усуллар, яъни интернет, планшет ва қоғоз бланкалардан фойдаланган ҳолда бажарилган.

Бугунги глобал ўзгаришлар даврида аҳоли ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини тўлиқ ва аниқ ҳисобга олиш ҳар бир давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик сиёсатини самарали шакллантириш учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги фаолияти ўзаро боглиқ бўлган Ўзбекистон каби давлатлар учун бу икки жараёни узвийлаштириб, бир вақтда амалга ошириш замон талабидир.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ҳамда ОзИқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO) расмий тавсияларига кўра, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини бирга рўйхатга олиш мумкин. Фақат бунда ҳар бир турдаги кузатув бўйича маълумотлар сифати таъминланиши, халқаро статистика стандартларига ҳамда қўшма методологиянинг тажриба асосида синовдан ўтказилишига қатъий риоя қилиниши лозим.

Бундан ташқари, ОзИқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) тавсияларида таъкидланганидек, муваффақият учун қишлоқ хўжалигига бағишланган алоҳида анкета ёки модуль жорий этилиши, уй хўжаликлари таркибида қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритаётган субъектлар аниқланиши, рўйхатга олувчилар қўшимча тайёргарликдан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини биргаликда рўйхатга олиш тартибининг жорий этилиши ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш имконини беради. Алоҳида-алоҳида рўйхатга олиш тадбирларини ўтказишга кетадиган ортқича молиявий, инсоний ва техник ресурслар

УМУМБАШАРИЙ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

► Бошланиши 1-бетда

Бинобарин, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга кириштилган экан, педагогларнинг ўзаро таърибга ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформа вазифасини ўтайдиган ушбу мулоқот жуда муҳим. Бундай нуфузли анжуманининг юртимизда ўтказилиши, ўз навбатида, Ўзбекистонда илм-фани андада ривожлантириш, педагогларнинг касбий салоҳияти ва муҳофазатини оширишга замин ҳозирлайди.

Ўзбек педагогикасининг халқаро майдонда ўз урнига эга бўлишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг соғлом ва баркамол униб-ўсиб, ҳаётда ўзининг муносиб ўринини эгаллаши учун етарли

“Давлатимиз раҳбари томонидан гендер тенглик тўғрисида ҳам таклиф берилгани аҳамиятли. Осиё мамлакатлари Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришиш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва таъсирини ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришмоқда.

шарт-шароит яратиш ҳам давлат сиёсати-
нинг устувор йўналишидир.

БМТ Бош қароргоҳида Болалар сарато-
ни ва оғир касалликларга қарши халқаро
анжуман ўтказилиши ҳам соғлиқни сақлаш
тизimini ислоҳ қилиш, дунё миқёсида
саратон касаллиги ва оғир касалликлар-
га қарши курашиш ҳамда олдини олиш

Бў борада Ўзбекистонда ҳам аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари янги таҳрирдаги Конституциямиз ва Ўзбекистон Республикасида

Аёлларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 35 фоизга, тadbиркорлик соҳасидаги фаоллиги 37 фоизга, сиёсий партиялардаги иштироки 49 фоизга, олий таълимда 50 фоизга етгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи тўла-тўқис инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Дунё ёшларининг қалби ва онгига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни синдириши долзарб муаммо ва вазифа сифатида кўтарилгани фикримизни тасдиқлайди. Бу борада «Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати»ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи ҳар биримизда ғайр-ифтихор тўғрисида ийғомиш билан бирга, масъулият ҳиссини ҳам орттиради.

ЁШЛАРНИНГ ТИНЧЛИК САРИ ҲАРАКАТИ

Бугун дунёда тинчлик масаласи нафақат алоҳида давлат ёки минтақа, балки бутун инсоният тақдири учун ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда. Эртанги кунимиз, тараққиёт ва фаровонлик эса, энг аввало, ўсиб келаётган авлод қўлида. Шу боис, ёшларнинг қалби ва онига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳўрмат каби юксак инсоний ғояларни сингдириш энг долзарб вазифалардан. Бинобарин, тинчлик фақат сўз билан эмас, балки амалий ҳаракатлар, ижтимоий ташаббуслар ва ёшлар иштирокидаги халқаро ҳамкорлик орқали мустақамланади.



**Пардагул РАЗЗОҚОВА,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази Беруний тумани
бўлимчиси раҳбари**

Мана шундай ҳаётий эҳтиёж ва замон талаби асосида Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида

Тинчлик — тараққиёт
калити, ёшлар эса унинг
асосий кафолатидир.
Шу боис, Жаҳон
ёшларининг тинчлик
сари интилиши
инсониятнинг барқарор
ва фаровон келажакига
қаратилган муҳим
қадам сифатида тарихий
аҳамият касб этади.

Шуниндек, Президентимиз “Шу билан бирга, ислом маърифати гоъяларини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни фаол давом эттирамиз. Яқин ойлarda кенг миқтасдаги уучун ноёб бўлган Ислaм цивилизaцияси марказини очaмиз. Буюк аждодларимиз — мутофаккир алломалар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросининг алоҳида тақдиротини Бирлашган Миллатлар Ташкилотидa ўтказиш ниятидамиз”, деб таъкидлади. Бу тинчлик ва ҳамжиҳатлик-ни таъминлаш йўлида биз нафақат сиёсий ёки ижтимоий ташаббуслар, балки маънавий-маърифий гоъялар орқали ҳам ҳаракат қилётганимизни аңглатди.

Ислом цивилизацияси асрлар давомида илм-фан, маънавият ва адолат ғоялари тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган. Буюк аждодларимиз — Имом Бухорийнинг

ҳадис илмидаги буюк мероси, Имом Термизийнинг фиҳҳ ва ишломшунослиқдаги улкан ҳазинаси, Имом Мотуридиднинг ақида ва илоҳиёт борасидаги илмий асослари нафақат мусулмон олами, балки бутун инсоният маънавий меросининг ажралмас қисмига айланган. Уларнинг асар ва ғоялари ҳанузгача барқарорлик, адолат ва инсонпарварликини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мана шу бой маънавий меросни ўрганиш ва уни жаҳон жамоатчилигига етказиш мақсадида яқин вақтларда кенг миқтасда нобъ ташаббус — Исломи цивилизациясида маркази фаолияти йўлга қўйиллади. Бу марказ нафақат илмий тадқиқотлар ва маънавий изланишлар майдони, балки турли дин ва миллат вакиллари учун мулоқот, ҳамжихатлик майдони сифатида ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, жадодларимизнинг илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида БМТ да уларнинг асарлари, гоғялари бағишланган алоҳида тақдирот ўқатилиши нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун ислом оламининг маънавий бойликларини жаҳон ҳамжамиятига танитишда тарихий қадам бўлади. Айнан шундай ташаббуслар орқали биз дунёдаги турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида ўзаро ҳурмат ҳамда ишончини мустаҳкамлашга, ислом маърифати орқали барқарорлик гоғяларини янада кенг ёйишга ҳисса қўшиш.



профессional таълим саммитини ўтказиш
таклифини билдирди.

сингдириш барчанинг долзарб вазифаси. “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати” таъсис этилиб, унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш ҳақидаги таклиф эса бу борадаги ишларга янгича руҳ беради.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг бир неча муҳим йўналишни қамраб олган нутқида янги Ўзбекистоннинг дунёдаги барча мамлакат билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очиқ мулоқот ва яқин шериклик тарафдорлигини эълон қилди.

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ЮҚОРИЛАМОҚДА
БУ ЯНГИ ИНДЕКСДА ЎЗ АКСИНИ ТОПДИ

Бугунги глобаллашув даврида ривожланиш салоҳияти кўп жиҳатдан мамлакатларнинг инновацион имкониятлари билан белгиланмоқда. Халқро микёсда илмий тадқиқот ва инновацион фаолият самарадорлигини баҳоловчи рейтинглар давлатларнинг юқалиш даражасини кўрсатиб бевручи муҳим кўрсаткичлардандир. Шундай нуфузли рейтинглардан бири — Глобал инновация индекси (Global Innovation Index — GII) бўлиб, мамлакатларнинг инновацион ривожланиш даражасини кенг қамровли баҳолайди.



Чингиз МИРЗАЕВ,
Инновацион ривожланиш агентлиги
хузуридаги Илмий-техник ахборот
маркази директори ўринбосари

сифатида тан олинган. Рейтинг таркибида иккита субиндекс (Innovation Input Index va Innovation Output Index) ҳамда 7 та йўналиш бўйича 80 га яқин индикатор мавжуд.

Ўзбекистон GII рейтингига илк бор
2015 йилда кирган ва шу йилнинг ўзida

141 мамлакат орасида 122-ўринни эгал-
лаган эди. 2020 йилда 93-ўрин, 2021 йилда
86-ўрин, 2022 йилда 82-ўрин, 2023 йилда
82-ўрин ва 2024 йилда 132 та мамлакат
орасида 83-ўринни банд этган. Кўриниб
турибдики, Ўзбекистон инновацион са-
лоҳиятини муттасил ривожлантириб,
глобал майдондаги ўринни мустаҳкамлаб
бормоқда.

Яқинда эълон қилинган 2025 йилги Глобал инновация индексида Ўзбекистон 139 мамлакат орасида 79-уринни эгаллади. Бу натижа мамлакатимиз халққаро рейтинглардаги мавқеини изчил мустаҳкамлаб бораётганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон куйи ва ўрта даромад гуруҳида Вьетнам, Филиппин, Марокаш, Иордания ва бошқа 37 мамлакат орасида 7-ўринга ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё минтақасидаги 10 мамлакат ичидан 4-ўринга эришган. Хўшхўрлик Индексига (HDI) қараганда, Ўзбекистон ва Эрондан кейин 3-ўринга муносиб кўрилди.

Бундан ташқари, рейтингда инновацияларга йўналтириладиган сармоя ва ресурслар (innovation input) бўйича мамлакатимиз 69-ўринни, инновацион фаолият натижадорлиги (innovation output) бўйича эса 92-ўринни банд этди.



2025 йилда мамлакатимизнинг маъ-кур рейтингдаги ўрнини яхшилаш мақ-садида қатор чора-тадбирлар кўри-ди. Глобал инновация индексининг бу йилги натижаларига кўра, Ўзбекистон

**ИЛМОҚДА
ТОПДИ**



**ҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
И СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



нафақат илм-фан ва инновацион
ривожланиш, балки тадбиркорлик
йўналишида ҳам сезиларли ютуқлар-
га эришмоқда. Хусусан, мамлақати-
миз учун “Тадбиркорлик сиёсати ва

маданияти” ва “Стартап ва скейлап-
ни молиялаштириш” таркибий инди-
каторларини шакллантириш юзасидан
эксперт сўрови ўтказилди. Жорий йил-
ги рейтинг натижаларига кўра, мазкур
индикаторлар бўйича мос равишда 3-
ва 6-ўринларни эгаллаган ҳолда жаҳон
миқёсда юқори натижа қайл этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг илмий ва таълим соҳасидаги ютуқлари ҳам рейтингда ўз аксини топди. Республикамининг икки йirik олий таълим муассасаси — “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий таъдиқот университети ҳамда Мирзо Улуғбек номидagi Ўзбекистон Миллий университети халқора эътирофга сазовор бўлди. Мазкур университетларнинг “QS World University Rankings” рейтингига қайда этилган натижалари GP таркибига ҳам инобатга олинди. Шу орқали QS рейтингига бўйича энг юқори учталиқ университетларнинг ўртача баҳоси индикаторида Ўзбекистон 11 поғона юқуриб, 46-ўринга қўйарилади.

Бугун Ўзбекистоннинг Глобал инновация индексида юқориллаб бориши тасодиф эмас. Бу мамлакатимизда сўнгги йиллардаги изчил ислохотлар, хусусан, инновацияларни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, олий таълим сифати ва кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда тадбиркорлик муҳитини кенгайтиришга қаратилган сиёсатнинг амалий самарасидир.

6

2025 йил 30 сентябрь, 201-сон

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Мард аскарга совға

ЮРАКДА ВАТАНГА МУҲАББАТ

Нодир СУВОНОВ,
Ўзувчилар уюшмаси
“Adabiyot” нашриёти раҳбари

Мана, уч йилдан буён давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси “Adabiyot” нашриёти томонидан “Мард аскарга совға” лойиҳаси асосида китоблар жамланмаси нашр этиб келинмоқда. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ватанни ҳимоя қилиш, юртимиз тинчлигини асраш, бугунги эврилишлар ва синовларга тўла хатарли даврда қандай йўл тутишимиз тўғрисида бундай деган эди:

“Бугунги нихоятда мураккаб ва таҳликали давр олдимизга янги-янги синов ва муаммоларни кўчалдан қилиб қўймоқда. Лекин ҳаёт қанчалик машаққатли бўлмасин, мамлакатимизда демократик ислохотларни изчил давом эттириб, халқимизни рози қилишга, тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, уларнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга бундан буён ҳам улкан эътибор қаратамиз. Лекин тинчликни сақлаш фақат ҳарбийларимизнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу барчамизнинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи бўлиши шарт. Юртингни кучи — бирликда, қадри эса тинчликдадир!”. “Мард аскарга совға” лойиҳаси асосида жорий йилда нашр этилган китоблар жамланмасининг гоёвий-бадий мазмун-мундарижасига давлатимиз раҳбарининг ушбу дастуруламал сўзлари чуқур сингдирилган.

Ватанни ҳимоя қилиш, халқимиз тинчлигини асраш бўйича ижодкор зиёлилар ва ҳарбий хизматчилар зиммасига юклатилган вазифалар ижроси бўйича Ўзувчилар уюшмаси ва Мудофая вазирлигининг ҳамкорлиги янада кучайтирилди. Бошқача айтганда, ўзувчилар қўлидаги қалами билан Ватан ҳимоясига сафарбар этилди. Бадий сўзнинг таъсир кучи инсонга маънавий-руҳий қудрат бахш этиши азалдан маълум. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг

Темур тиги етмаган жойини,
Қалам билан олди Алишер,
деган сатрларида ана шу ҳақиқат бадий ифодаланган. Айнан шоирларнинг истиснодиди ва аскарларнинг ҳарбий маҳоратини Ватан ҳимояси учун уйғуналаштириш мақсадида “Мард аскарга совға” лойиҳаси ҳамда “Ватан манзумаси” номли адабий-маърифий, муслиқий-шеърый дастур ташкил этилди. Неча асрлардан буён ватанларвар авлодларга руҳий куч-қудрат бағишлаб келаётган ҳажман кичик, бироқ мазмунан йирик “Тўмарис”, “Широқ” афсоналари, “Алломиш”, “Тўрўғли” достонларининг ихчамлаштирилган нусхалари, энгилмас саркардалар ҳаётидан олинган ҳикоялар, шеърлар, кичик асарлар “Мард аскарга совға” лойиҳаси доирасида ўқиб қулай ва осон шаклда минглаб аскарларимизга тўхфа этилди. Мардлик нима? Жасорат қачон ва қандай намоён бўлади? Ботирлик руҳий кучми ёки жисмоний? Қандай йигитларни ботир деймиз? Дунё қалқиб турган, ёвузлик ва урушлар авж олаётган бугунги глобал даврда Ватан ҳимоячилари олдида қандай вазифалар турибди? “Мард аскарга совға” лойиҳасида чоп этилаётган ихчам тўпламлардаги ҳикоя ва шеърларда ана шундай саволларнинг гоёвий-бадий жавоби мумкин.

Алишер Ибодиновнинг “Онанинг самантойи” ҳикояси сюжетни талабалик вақтида ҳарбий хизматга қаққрилган Маъмуржон исми ўспириннинг онасидан келган мактубни қазарма олдида ўқиши воқеасидан бошланади... “Душман” танкларига граната улоқтириш машқида қутилмаган ҳодиса юз беради. Доим Маъмуржонга муштини дўлайтириб юрган Неймат эҳтиёсизлик қилиб, бутун взвод ҳаётини хавф остида қолдиради. “Неъмат негидир шилъикани сал тортиб қўрди ва... сугуриб ташлади! Бу бенхтеър рўй берди. У қўлида портлашга тайёр граната турганини сездию, қўрқиб кетди. Қўлида чўғ ушлагандай бирдан панжасини очиб, гранатани ташлаб юборди. Граната жанговар гранаталар

тўла яшиқ томон думалар, яшиқ атрофида уч солдат ва лейтенант, улардан нарида бутун взвод турарди. Неймат ўзини орқага ташлади, юзи тошдай қотди. Бошини эгиб, жон хавфидан букилиб, қоринни ичига тортиди. “Уч сониядан кейин портлайди, — деб ҳаёлдан ўтказди Маъмуржон. — Кейин яшиқ тўла граната ҳам. Кейин...”. Бир лаҳзалик тарадуддан сўнг у ўзини граната устига ташлади”. Ҳали уйланмаган, ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Маъмуржон ўз жонини қурбон қилиб, жанговар дўстлари ҳаётини сақлаб



қолади. Бутун взвод хизмат тугагандан кейин уйга қайтиб уйлангач, тугилажак илк ўғлининг исмини Маъмуржон деб қўйишга онт ичади. Улугбек Ҳамдамнинг “Ев” ҳикоясида душманин макру ҳийласи, олисини қўзлаган сиёсати — элли нихоятда узоқ итоатда сақлаш учун қўйган айёрона тузоғи тасвирланади. Ёв саркардаси истило қилинган эл тилида равон ва ширин сўзлайди. “Биз сизларга аввали ҳаётларингиздан кўра яхшироқ ҳаёт бергани келди. Бизнинг мақсадимиз уруш эмас, тинчлик”. Адиб Элбек, Ботир, Ғулум образларига тегаран маъно юклайди. Исмларнинг маъносидан назик ишқорлар бори. “Элбек — элнинг беки, Ботир — қўрқмас, жасур, Ғулум — қул деган

маънони англатади. Тарих олдида хоинларнинг юзи доим қора бўлиб келган. Мард ва жасур элбеклар ва ботирларни халқ шарафлаган, уларнинг номи ва қаҳрамонлиги тилларда дoston бўлган. Сўхроб Зиёнинг “Яксыз одам” ҳикояси ҳам Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ҳақида. Фашист ўқи аскарнинг лабию иягини юлиб кетади. У гоститалда даволанади. Унга янги ияк қўйилади, танасининг бошқа қисмидан эт қўчириб олиб, лаб ясалади. Жисмоний азобга-ку чидайди, лекин руҳий тушқунлик аскарни ҳолдан тойдиради. “Юзимга қара, — дейди у


— Ватан туйғуси. “Биродарим, — деб кўнглини очди суҳбатдошига ҳикоя қаҳрамони, — мен Ватан ҳақида баланпарвоз сўзларни гапира олмайман. Аммо қишлоғимда унган янтоқнинг гули қўзларимга баҳорнинг илк чечакларидек қувонч бахш этади. Шаҳар транспортидаги етти ёт бегона чипчип йигит минг йиллик қадрдонимдек бўлиб қўринади”. Ушбу тўпламлардаги ҳикояларда бутунгн навқирон аскарларимизга, умуман, йигит-қизларга ибрат бўладиган оддий одамлар ҳаёти Ватан тақдири билан уйғун воқеалар мисолида жонли ифода этилган. Шеърлар ҳикояларга қараганда оҳангдорлиги, қисқа ва аниқ сатрларда ўткир сўзлар нишонига беҳато тегуши билан ажралиб туради. Ватанимиз озолигини ёниб қуйлаган ҳассос шоир Шавкат Раҳмон шеърининг мазмуни тегаран, гоёси кучли.

Елкада қақишган асрлар юки:
кишанлар,
форедрлар,
сўксиз урушлар...
Мен қадим ташламан чайқалиб, секин,
Оғридан юзларим буришар.
Иккилам, тўхтаммак мумкинмас,
қақра бўлса ҳам юганим яхши.
Менинг ҳар қадамим муқаддас,
менинг ҳар қадамим ўлимга қарши.

Шеърини ўқиб бўлгач, ўйлаиб қоласиз. Бу кимнинг образи? Кимнинг сўзлари? Халқ, Ватан, Озолиқ образи. Шоир, ватанпарвар саркарда, йўлбошчи сўзи. Тўғри. Лекин бу сўзлар ҳар биримизнинг юрагимиздаги туйғулар ва кечинмаларни ифодалайди. Демак, ҳар биримизнинг образимиз, қатъиятимиз, жасоратимиз, мардлигимиз шундай бўлиши керак. Шоирнинг гоёвий-бадий мақсади одамларни бирлаштириш бўлган ва у бунга эришган. Ана шундай кучли шеърлар аскарларимизга жанговар ва руҳий қудрат бағишлаши тайин. “Мард аскарга совға” лойиҳаси асосида бу йил “Бобомерос туйғу”, “Аскар онаси” номли иккита ҳикоялар тўплами, “Ота макон”, “Ватанни ҳар кимга ишониб бўлмас”, “Меҳринг билан яшаймиз, Ватан”, “Эр йигит юртидан кечмайди”, “Олимпиада илҳомлари” номли бешта шеърлар тўплами, жами еттига китобдан 110 ўзувчи-шоирнинг 113 сара асари ўрин олган. Улар орасида Чўлпон, Ғафур Ғулум, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тўра Сулаймон, Ҳусниддин Шарипов, Ойдин Ҳожиёва, Гулчехра Жўраева, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад

Юсуф, Абдулла Шер, Усмон Азим, Хуришд Даврон, Тўлибой Қобулов, Шарифа Салимова, Қутлибека, Хосият Бобомуродова, Маҳмуд Тоир, Сирожидин Саййид, Хўлима Давлатназарова, Замира Рўзиева, Зулфия Мўминова, Ривож Утарбоевдек шоирлар, шунингдек, вилоятларда яшаб қалам тебратётган ижодкорлар ва албатта, фаол ёшларнинг Ватанга бағишланган ҳароратли назмий дил изҳорлари бор.

Китобларнинг номига қарасангиз, ҳар бири бир давлат, ҳар бири бир шир. “Олимпиада илҳомлари” шеърлар тўплами 2025 йил Париж олимпиадаси ва паралимпиадасида иштирок этиб, жаҳон аренасида юртимиз байроғини юксакка кўтарган, олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган матонатли ва жасур спортчиларимизга бағишланган шеърлардан иборат.



Истеъодли ўзувчилар ва шоирлар Ватан озолиғи ва мустақиллиги, халқ тинчлиғи энг улуг неъмат эканини ҳаётини мисолларда кўрсатиб берган.

Китоблар аскарлар чап қўксиди уриб турган юракнинг устидаги ён чўнтакка жойлашадиган ихчам шаклда чоп этилган. Уларни йўлда ҳам, сафарда ҳам, ҳарбий дала машқларида дам олган пайтларда ҳам чўнтақдан олиб, бемалол ўқиб мумкин. Китобларни арақлаб мутулаа қилиш жараёнида аскарлар Ватанга муҳаббат туйғусини ҳис этади. Дарҳақиқат, юракда Ватанга муҳаббат.

Президентимиз БМТнинг 80-сессиясида сўзлаган нутқиди дунё ҳамжамияти эътиборини эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар масаласига қаратиб, бундай деди:

“Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиғи ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимизнинг қалби ва онгига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб гоёларни сингдириш долзарб вазифамиздир. Бу борада Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракатини таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш тақдирини илгари сураимиз. Биз жамиятимиздаги баргикенглик сиёсатини изчил амалга оширмаймиз”.

“Мард аскарга совға” ружидида нашр этилган китоблар ёш авлодин миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялайди, уларнинг юрағи ва руҳига олижаноблик ва эзгу гоёларни сингдиради.

Миллат фидойилари

У ЮРТИМИЗ САРҲАДЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОҒИДА ҚУРБОН БЎЛДИ

сержант Юнусжон Охуновни орамиздан олиб кетди. Маълум хабар нафақат Юнусжон туғилган йўлида шароити ахли, балки бутун Фарғонани ларзага солди. Зотан у ҳали яшашга, юртга содиқлик билан хизмат қилишга ҳақли ўғлон эди. Қўҳна Шеробод қишлоғининг илонизи йўллари бўйлаб жангчи яшаган хонадонга кириб бордик. Бизни уй бекаси самимий қарши олди.

— Бу ердаги ҳар бир нарса укамни ёлға солади, — дейди Юнусжоннинг акаси Алижон маҳзун бўлиб. — Ҳарбийлик либосини киийиш, унга содиқ бўлиш осон эмас, албатта. Бўйи бўйинга тенглашган жигарингдан айрилиш, унинг орзу-хавасларини кўрмаслик жуда оғир бўларкан. Лекин бир нарса оиламизга таскин-тасали беради — у эл-юрт, мустақил Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлди. Бу ҳар бир ўғлоннинг шарафли бурчи бўлиши керак. Ушанда таътилга келиб, томоғидаги юмушларни бажаришда менга ёрдам берганди. Икковлашиб бугдой ўрдик. Янчиб, қопларга солиб бўлгач, хизматга кетганди. Укам меҳнатдан қочмайдиған, ҳаммага ёрдам беришни истовчи, софидил, ўктам йигит бўлиб етишганди.

Юнусжон тенгқурларидан самимийлиги, мардлиги, фидойилиги билан ажралиб турарди. У спортга, ҳарбийларнинг шарафли ва машаққатли касбига болалигидан меҳр қўйганди. Мактабдаги ҳарбий таълим дарсларида взвод командири сифатида тенгдошларига бош бўлди. Мустақил равишда Шарқ яккакураши билан шугулланди. Синфдошлари орасида биринчилардан бўлиб ҳарбий хизматга бориш истагини билдирди. Миллий армия сафида хизмат қилиш даврида ҳар жиҳатдан чиниқди, тажриба орттирди. Ҳарбий хизматни ўташ пайтида уйига хат йўллаб, махсус ҳарбий бўлинма

— Менга амакимнинг исми қўйилган, — дейди Қўқон давлат педагогика институтини жисмоний тарбия факультети 4-босқич талабаси Юнусжон Носиржонов. — Бу номга муносиб бўлишга ҳаракат қил-ятам. Баландпарвоз гапларга йўйманг. Унинг эрта вафот этгани биз учун оғир бўлса-да, ташлаган эзгу йўлимиздан қайтмаймиз. Юртимиздаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун Ватанга акамиздек хизмат қилишга, керак бўлса, у каби жон беришга ҳам тайёриймиз.

Юнусжон қисқа умри давомида кўпга ўрناк бўлиб ишлар қилишга улгурди. У ўқиган 19-мактабда мард, жасур, фидойи ўқувчининг ибратли ҳаёт йўлини акс эттирган махсус ёдгорлик ўрна-тилган. Бу ерда жангчи хотирасига бағишлаб турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш аънаъга айланган.

Ватан, эл-юрт тинчлиғи йўлида қурбон бўлган ўғлоннинг оила аъзолари ёлғиз

қолгани йўқ, Улар ҳукуматимиз ва жамоатчилиги эътиборини сезиб турибди. Юнусжон мамлакатимиз мудофая қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлашга қўшган ҳиссаси, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиғи учун “Жасорат” медали ва бир қанча кўрак нишонлари билан мукофотланди. У яшаган маҳаллада хотира монументи ўрнатилди.

Ҳаёт ўз йўлида, бир маромда давом этмоқда. Биз эса бу тинчлик, хотиржамлик ас-лида мана шундай миллат фидойиларининг хизмати эвазига мустаҳкамланганини асло унутмаслигимиз лозим.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-946. 34830 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов Мусахҳх: Маллоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси				Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шарҳисаб кўчаси, 85-уй
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05			“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.	Ўза яқуни — 20:55 Тошхирлиди — 23:05